

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА  
ПУЛМОНОЛОГИЯ ИЛМий АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХАЙРУЛЛАЕВА САНАМ САГДУЛЛАЕВНА**

**ГОРМОНГА БОҒЛИҚ БРОНХИАЛ АСТМАДА  
ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЗОНА ЗАРАРЛАНИШИНИ  
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ  
ВА УНИ КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Хайруллаева Санам Сагдуллаевна**

Гормонга боғлиқ бронхиал астмада гастродуоденал

зона зарарланишини клиник-патогенетик

характеристикаси ва уни коррекция қилиш йўллари..... 3

**Хайруллаева Санам Сагдуллаевна**

Клинико-патогенетическая характеристика поражений

гастродуоденальной зоны при гормонозависимой

бронхиальной астме и пути их коррекции..... 23

**Khayrullayeva Sanam Sagdullayevna**

Clinico-pathogenetic characteristics of gastroduodenal

lesions in hormone-dependent bronchial asthma and

ways of their correction ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of pulished works ..... 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА  
ПУЛМОНОЛОГИЯ ИЛМий АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХАЙРУЛЛАЕВА САНАМ САГДУЛЛАЕВНА**

**ГОРМОНГА БОҒЛИҚ БРОНХИАЛ АСТМАДА  
ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЗОНА ЗАРАРЛАНИШИНИ  
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ  
ВА УНИ КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib600 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ливерко Ирина Владимировна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Рахимова Дилорам Алимовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Аралов Нематилла**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_\_\_»\_\_\_\_\_2018 йил соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2. Тел/Факс: (+99871) 150-78-25. E-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2. Тел/Факс: (+99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_»\_\_\_\_\_да тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_\_\_»\_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестер баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б. Х. Шагазатова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А. Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда бронхиал астманинг оғир шакллари ортиш тенденцияси, касаллик оқибатида юзага келадиган асоратлар ижтимоий муаммо сифатида сақланиб қолмоқда. Ҳозирги кунда бронхиал астма (БА) билан дунё аҳолисининг тахминан «...315 млн.ни барча ёш гуруҳлари орасида, азият чекмоқда....»<sup>1</sup>. «...1988-2000 йилларда касалликни зўрайиш даврида стероид даво тизимини қабул қилувчи ва астма устидан мунтазам назорат олиб боришни талаб қилувчи беморлар сони 38,2% дан 74,0% гача ортиши кузатилмоқда. Глюкокортикостероид (ГКС) гормонлар қабул қилувчи БА беморларининг қиёсий нисбати 7,0% дан 16,8% гача ошмоқда....»<sup>2</sup>. Бронхиал астма гипоксия, стресс, интоксикация таъсири билан боғлиқ патогенетик алоқа эҳтимоли бўлган овқат ҳазм қилиш орган касалликларига гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги (ГЭРК), меъда ва ўн икки бармоқли ичка яраси ва эрозияси киради. Бронхиал астма билан хасталанган беморларда гастродуоденал зона зарарланишини учраш сони, эрта ташхислашни аниқлаш, олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш бугунги кунда тиббиёт ходимлари олдида турган ҳал қилиниши зарур долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда гормонга боғлиқ бронхиал астмада гастродуоденал зона зарарланишининг клиник-патогенетик характеристикаси ва уни коррекция қилиш йўллариининг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада бронхиал астма билан оғриган беморларда касалликнинг қатор омилларга боғлиқлигини асослаш, касалликни ташхислашнинг оптимал тактикасини танлаш, бронхиал астмада гастродуоденал зона зарарланишини ривожланишида ҳавф омиллар сабаби ва шаклланишини мезонларини, бронхиал астма касаллиги клиник кечиши хусусиятларини ва хасталанган беморлар эзофагогастродуоденал зонаси зарарланишини клиник-функционал параметрларини назорат қилишдан иборат. Бронхиал астмани клиник кечишини ўзига хослиги ва эзофагогастродуоденал зона зарарланиши мавжуд беморларда уни клиник-функционал кўрсаткичларини аниқлаш, касалликни ривожланишини камайтиришга қаратилган комплекс даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва касалликнинг олдини олиш ва асоратларини камайтиришга қаратилган алгоритмни ишлаб чиқиш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати бўйича маълум даражада ижобий натижаларга эришилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимидаги, шулар қаторида пулмонология соҳасида ҳам мақсадга йўналтирилган чора тадбирлар қўлланишига қарамасдан ўз ечимини топиши лозим бўлган бир қатор вазифалар мавжуд. 2017-2021 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устивор йўналишларида белгилан-

<sup>1</sup>Global Initiative for Asthma, all rights reserved. Use is by express license from the owner, 2014.

<sup>2</sup> Убайдуллаев А.М., Ливерко И.В., Абдуллаев В.А. и др. Кортикозависимость и кортикостероидная резистентность у больных бронхиальной астмой // Вестник Ассоциации пульмонологов Центральной Азии. - 2010. - Вып. 14 (№3-4). - С.162-163.

ганидек, «....аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган соғлиқни сақлаш зонасини кенг ислоҳ қилиш, аҳоли касалланиш кўрсаткичларини камайитишни таъминлаш ва умр давомийлигини ошириш....»<sup>3</sup> зарурдир. Ҳозирги кунда инсонлар орасида умр давомийлигини ошириш мақсадида глюкокортикостероидларнинг турли тартибини қабул қилувчи бронхиал астмали беморларда гастродуоденал зона зарарланишини ўз вақтида ташхислаш ҳамда даволашнинг янги самарали усуллари ишлаб чиқишни тақоза этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда олиб борилаётган илмий изланишлардан шу нарса маълум бўлдики, бронхиал астма касаллигида бир қанча орган ва тизимлар зарарланишини бирга келиши кенг тарқалгандир. Бронхиал астмада меъда ичак тизимининг зарарланиш частотаси тўғрисидаги маълумотлар 40-90% орасида ўзгариб туради, бу касаллик ташхиси ва клиникасига турлича ёндошув билан боғлиқ бўлиши мумкин. БА кўпинча бошқа орган ва тизим касалликлари билан бирга келади, бу астма ва уни даволаш билан боғлиқ ҳолда ёки унга йўлдош ҳолда юзага келиши мумкин. Сўнгги йилларда БАни гастродуоденал зона (ГДЗ)нинг яллиғланишли ва эрозив зарарланишлари, шунингдек, гастрозофагеал рефлюкс (ГЭР) билан бирга келиши ўта сезиларли қизиқиш уйғотмоқда. БАли беморларда эзофагогастродуоденал зона (ЭГДЗ) зарарланиши учрашининг 70%ида патологик ГЭР, юзаки ва эрозив гастритлар, рефлюкс гастрит, меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яраси ва эрозияси учрайди (Звягинцева Т.Д., Чернобай А.И., 2010; Палеев Н.Р., Исаков В.А., Черейская Н.К. ва ҳаммуал., 2011; Bor S, Kitapcioglu G, Solak Z.A. et al. 2010; Storonova O.A., Trukhmanov A.S., Dzhakhaya N.L., Ivashkin V.T., 2012).

Ўпка бронх патологияси беморлари меъдаси шиллиқ қаватидаги *Helicobacter pylori*ни ўрганиш тўғрисидаги маълумотлар жуда оз сонни ташкил этади. Бироқ улар ушбу беморларда *Helicobacter pylori*ни катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатишга имкон беради. Меъда шиллиқ қаватида *Helicobacter pylori*ни аниқлаш сони БА ва сурункали обструктив бронхит билан оғриган беморларда 88% ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этади. БАни даволашда

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

қўлланилувчи дори воситалари ҳам маълум ўрин эгаллайди. Маълумки, теофиллин хосилалари,  $\beta_2$ -адренорецептор агонистлари, тизимли глюкокортикостероидлар қуйи қизилўнгач сфинктери тонусини пасайтириб, ГЭРК белгиларини индуцирлайди (Бурков С.Г., Алексеева Е.Л., Юренев Г.П., Арутюнов А.Т., 2007; Галимова Е.С., Нуртдинова Г.М., Кучер О.И., Хамитова И.А., 2010; Коршунова Л.В., Урьясов О.М., Фоменко Н.Н. ва бошқ., 2015; Barnes P.J, Adcock I.M., 2003; Hansen R.A., Tu W., Wang J. et al., 2008).

Ўзбекистонда илгари олиб борилган тадқиқотлар асосан бронхиал астмани тарқалиши, клиник шакллари учраши, даволаш усуллари ва уларга ёндошувга бағишланган бўлиб, бундан ташқари касаллик кечишини оғирлашиш тенденцияси, тизимли глюкокортикостероидларни (тГКС) мунтазам қабул қилувчи беморлар сонини ва касаллик зўрайишини пасайтириш мақсадида тГКС қабул қилиш миқдорини ортиши аниқланди (Убайдуллаев А.М. ва ҳаммуал., 2010).

Шуни таъкидлаш зарурки, эзофагогастродуоденал зона зарарланишлари касалликларнинг ўзаро муносабатларини оғирлашишини шаклланишида муносиб ўрин тутди. Ушбу муаммонинг яна бир аспекти шундаки, ташхис ва даволашнинг замонавий усуллари қўллашга кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бирга келувчи патологиялар ўртасидаги муносабатлар характерини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар бронхиал астмали беморларда гастродуоденал зона патологияларини ривожланиши ва клиник кечишида алоҳида механизмларни шаклланишини очиқ бериш ҳамда ушбу контингент беморларини даволаш ва профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш учун аниқ вазифаларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС-№19.2,15.18.2 «Экстрапулмонал бузилишларни инобатга олган ҳолда ўпканинг оғир сурункали обструктив касалликларининг олдини олиш ва кечишини назоратини янги тизимини ишлаб чиқиш» (2012-2017 йй) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бронхиал астмали беморларда гастродуоденал соҳа патологиялари ривожланишини профилактикасига йўналтирилган бошқариш тактикасини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бронхиал астмали беморларда гастродуоденал зона зарарланишини учраш сони, хусусиятлари ва ўзига хос клиник-эндоскопик кўрсаткичларини баҳолаш;

бронхиал астмали беморларда гастродуоденал зона зарарланишини ривожланишида ҳавф омилларини баҳолаш ва уларни башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

эзофагогастродуоденал зона зарарланиши ривожланганда бронхиал астмани клиник кечиши хусусиятларини, уни назорат қилиш клиник-функционал параметрларини баҳолаш;

бронхиал астмали беморларда касалликни ривожланишини пасайтиришга қаратилган комплекс даволаш ва бошқариш тактикасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология ҳамда аллергология илмий амалий тиббиёт марказлари клиникаларида госпитализация қилинган 150 нафар бронхиал астма касаллигининг II-IV оғирлик даражаси билан оғриган беморлардан ташкил топган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида бронхиал астмали беморларнинг вена қони, қон зардоби, нажаси, эзофагогастроудоденал зона зарарланишини характери ва даражаси, ташқи нафас фаолиятининг ҳолати олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда валидизацияланган сўровнома, клиник, биокимёвий, функционал, эндоскопик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

глюкокортикостероидларни қабул қилувчи беморларда гастродуоденал соҳа зарарланишини ўзига хослиги, улар билан ингаляцион даволашда гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг ривожланиши, тизимли, тизимли ҳамда ингаляцион турини биргаликда қабул қилган беморларда гастродуоденал соҳани эрозив ярали зарарланиши яққол намоён бўлганлиги исботланган;

турли тартибда глюкокортикостероидлар билан даволанган беморларда гастродуоденал зона зарарланиш механизмлари ва омилларининг ўзаро муносабатининг ўзига хослиги ва касалликни бошқариб бўлмайдиган кечишида ва оғир шаклларидаги аҳамияти исботланган;

бронхиал астмали беморларда *Helicobacter pylori* миқдорининг юқори даражаси касаллик кечишининг оғирлаштирувчи омил эканлиги, зарарланишнинг кечиши ва давомийлиги, даволаш сифати билан бевосита боғлиқликлиги асосланган;

бронхиал астмали беморларда гастродуоденал соҳа патологияларининг юзага келиши, зўриқиши ва ривожланишини олдини олишга қаратилган «кузатув терапияси»нинг зарурияти ва самарасиз даволаш хавф даражасига боғлиқ ҳолда дифференциал ёндашув мезонлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

гастродуоденал зона зарарланишини ташхислаш учун зарур бўлган скринингни ўтказишни кўзда тутиш, бронхиал астмали беморларда гастродуоденал патология (ГДП)ни ривожланиши юқори хавф предикторларини «муҳим аҳамияти» ишлаб чиқилган;

бронхиал астмали беморларни даволашнинг натижавийлигини пасайтирувчи ва оғир кечишига сабаб бўлувчи хавф омилларининг аҳамияти ва мезонлари ишлаб чиқилган;

зўриқишни самарасиз даволаш хавф даражасига боғлиқ ҳолда бронхиал астма учун «кузатув терапияси»нинг дифференциал ёндошуви таклиф этилган ва уни тартибига протон помпа ингибитори (ППИ) ва прокинетикни қўллаш, «касалликни юритиш омиллари»ни ўзгартириш ва антихеликобактерия терапияси киритилган;

тунги бўғилиш ва йўтал хуружларини камайиши қисқа таъсирли бета агонистлар (ҚТБА) қўллаш миқдорини қисқаришига, функционал кўрсаткичларни тикланишига, гастроэнтерологик белгиларни тўлиқ



нивелирланиши билан характерланиши исботланган ҳамда «кузатув давоси» қўллашга ёндошувни патогенетик асослаш астмани клиник кечишини стабиллашувига ва унинг устидан назоратга эришиши кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндошув ва замонавий бир-бирини тўлдирувчи усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, сўровнома, клиник, биокимёвий, функционал, эндоскопик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, гормонга боғлиқ бронхиал астмада гастродуоденал зона зарарланишини клиник-патогенетик характеристикаси ва уни коррекция қилиш халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Бронхиал астмали беморларда гастродуоденал зона зарарланиш характери ва сонини ўрганиш, БАни кечишига кўрсатадиган салбий таъсирини баҳолаш ва аниқланган патологияларни патогенетик даволаш самарадорлигини баҳолаш, уларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатади. Салбий ўзгаришларни аниқланиши, ГКС терапияни қўллашда ножўя таъсир ривожланишини потенциал хавфи ГКСни миқдор тартибини коррекциялаш ва патогенетик терапияни ўз вақтида ўтказишни талаб этади. Юқорида келтирилган ҳолатлар ўрганилаётган патологияларни хавфсиз даволаш ва даво самарадорлигини оширишга қаратилган ўзига хос тавсиялар бўлиб ҳисобланади.

Илмий ишнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқи учун гастродуоденал зона зарарланиши ривожланган бронхиал астмали беморларга уларни юритиш ва даволаш тактикасини такомиллаштирилган ёндошуви таклиф этилган, бу эса тунги бўғилиш ва йўтал хуружларини камайтириши, ҚТБА қўллаш миқдорини қисқариши, функционал кўрсаткичларни тикланиши, шунингдек, гастроэнтерологик белгиларни тўлиқ нивелирланишининг намоён бўлиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гормонга боғлиқ бронхиал астмада гастродуоденал соҳа зарарланишини клиник-патогенетик характеристикаси ва уни коррекция қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бронхиал астмада гастродуоденал соҳанинг зарарланишини ташхислаш ва даволашнинг оптималлаштириш йўллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 8н-р/131-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма бронхиал астма билан хасталанган беморларда гастродуоденал зона зарарланиши ҳамда асосий клиник белгиларини аниқлаш, даволаш тактикасининг оптимал вариантини танлаш имконини берган;

гормонга боғлиқ бронхиал астмада гастродуоденал соҳа зарарланишини клиник-патогенетик характеристикаси ва уни коррекция қилиш йўллариини такомиллаштиришга оид тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси биринчи клиникаси пулмонология бўлимларининг клиник амалиётига жорий қилинган

(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 17 майдаги 8н-д/109-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши бронхиал астма билан хастланган беморларда гастродуоденал соҳанинг зарарланишини олдини олиш, касалликни қулай даволаш тизими шакллانганлиги ва ушбу тизимнинг самарадорлик кўрсаткичи 18%га яхшиланганлиги ва аҳолининг меҳнат қилиш қобилиятини тиклаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган (PhD) илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот предмети ва объектлари шакллантирилган, тадқиқотни республиканинг фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган маълумотлар ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича маълумотлар берилган, диссертация структурасидаги илмий ишлар нашр этилган.

Диссертациянинг **«Эзофагогастродуоденал зона зарарланиши ва бронхиал астма муаммолари замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида БАда ГДЗ зарарланиш патогенезининг асосий бўғинлари тизимли ва назарий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш таҳлил қилинган. БАли беморларда ЭГДЗ зарарланишининг учраш сони, хусусиятлари ва хавф факторлари, ГКСларнинг турли режимини қабул қилиниши ва *Helicobacter pylori* ни касалликни ривожланиши ва кучайишидаги ўрни ўрганилган. БАли беморларда эзофагогастродуоденал зона зарарланиш сабаблари, клиник кечишининг ўзига хослиги, олиб боришга, даволаш ва олдини олишга замонавий ёндашувлар таҳлил қилинган, мавжуд ташхис, даволаш ва профилактика усуллари авзалликлари ва камчиликлари ўрганилган. Шунингдек, ушбу муаммога тегишли бўлган ва ҳал этилиши зарур ҳисобланган муаммолар чуқур таҳлил қилинган. Бу бобда адабиётлар маълумотлари умумлаштирилиб, муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «Эзофагогастродуоденал зона зарарланиши ва бронхиал астмани баҳолаш материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи берилган, тадқиқот усуллари баён қилинган. Бронхиал астмали беморларни гастродуоденал зона зарарланиши сонини, таркибини ва ривожланиш хавф омилларини аниқлаш мақсадида ГДЗ зарарланишининг ривожланиш анамнезини, диспептик шикоятлар юзага келишини аниқлаш учун мақсадли сўровномадан фойдаланилган. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги аллергология илмий-ихтисослаштирилган маркази ва Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий амалий тиббиёт марказига мурожаат қилган 18-65 ёшдаги 150 нафар бронхиал астма билан хастланган беморларни текшируви олиб борилган.

Касалликнинг давомийлиги бир йилдан 20 йилгача бўлган беморлар кузатув остига олинган. Бронхиал астманинг ташхиси GINA ишчи гуруҳининг маърузасида тавсия этилган кенг қамровли верификацияланган тавсияга мос ҳолда белгиланди (GINA, 2011). ГЭРКнинг клиник белигиларни баҳолашда Монреал таснифидан фойдаланилиб, у ГЭРКда юзага келадиган барча клиник белгиларни, исботланган ва исботлаш зарур бўлганларини, клиник белгиларнинг ривожланган ва кечиш даражасини баҳоламасдан фойдаланишни тавсия қилади.

Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида беморларни клиник, функционал, биокимёвий, цитоморфологик ва статистик комплекс кенг қамровли текширувлар олиб борилган. Барча тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёрий ҳужжатларида қайд этилган 2000 йилда қабул қилинган Хельсинки декларацияси талабларини инобатга олган ҳолда олиб борилди. Барча беморларга клиникага келиб тушганидан сўнг ва даволаш бошлангандан 4 ҳафта ўтиб, клиник ва лаборатор-инструментал текширувлар ўтказилди: қоннинг клиник таҳлили, нажас таҳлили ва нажасда яширин ҳолдаги қон таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили, ЭКГ.

Шулар билан бир қаторда махсус текшириш усуллари ҳам қўлланилди:

ташқи нафас тизимини баҳолашда «MICROLAB» (Германия) аппаратида компьютер пневмотахометрия усулида, бронхларнинг кунлик лабиллигини баҳолаш пикфлоуметрик мониторинг тизимида баҳоланди;

овқат ҳазм қилиш тизимининг юқори қисмини ҳолати эзофагогастродуоденофиброскопия (ЭГДФС) ёрдамида баҳоланди (Olympus GIFE, Japan). ЭГДФС вақтида *Helicobacter pylori* ва гастродуоденал зона шиллик қаватининг морфологик тавсифномасини баҳолаш ва эндоскопик кўрсаткичларни текшириш мақсадида биоптатлар FB-25К биопсион қисқичлари ёрдамида олинди. *Helicobacter pylori* (Hr)ни аниқлашда морфологик ва молекуляргенетик усулларида фойдаланилди.


ГЭРКнинг медикаментоз терапияси ўз таркибига протон помпа ингибиторининг монотерапиясини (пантопразол-пантап, кунига 40 мг) ёки дори воситаларининг комбинациясини: протон помпа ингибитори (пантап кунига 40 мг) ва прокинетик (домперидон кунига 10 мг дан 3 марта). Даволаш 4 ҳафта давомида олиб борилиб, кейинчалик «талабга кўра» тартиби бўйича антирефлюкс препаратлар қабул қилиш билан давом эттирилди. Hr аниқ-

ланганда 14 кун давомида стандарт миқдорда пантопразол-пантап, амоксициллин ва кларитромицин ёрдамида эрадикацион даволаш тизимидан фойдаланилди ва пантап билан даволаш тартиби 4 ҳафта давом эттирилди.

Тадқиқот натижалари «Excel» стандарт дастурлари ёрдамида IBM компьютер замонавий ҳисоблаш техникасидан фойдаланиб статистик ишлов берилди. Олинган натижаларнинг барча кўрсаткичлари вариацион қатордаги ўртача арифметик қиймат  $\pm$  ўртача хатолик ( $M \pm m$ ) кўринишида берилди. Статистик гипотеза сифатида  $<0,05$  ва  $p < 0,01$  миқдорлар олинди (ишончли фарқ 95,5% ва 99%). Ўртача миқдорларни гуруҳлар орасида таққослаш учун Стьюдент  $t$  жуфт мезони қўлланилди. Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликни аниқлаш учун  $r$  корреляция коэффиценти ҳамда уни Стьюдент  $t$  ва  $\chi^2$  Пирсон мезонлари ёрдамида баҳоланади. У ёки бу ҳолатларнинг хавф даражасини баҳолаш учун юқори эҳтимоллик усулидан фойдаланилди.


Диссертациянинг «**Бронхиал астмали беморларнинг эзофагогастроуденал зона зарарланишларининг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобда бронхиал астмали беморларда эзофагогастроуденал зона зарарланишини учраш сони, хусусиятлари, ривожланиш факторлари, натижалари келтирилган. Шунингдек, бронхиал астмали беморлар эзофагогастроуденал зона зарарланиши ривожланиши таҳликасини башоратини ҳисоблаш, гормонга боғлиқ бронхиал астмали беморларнинг эзофагогастроуденал зонаси зарарланишини эндоскопик ва морфологик таъсифи, зарарланишнинг шаклланишида *Helicobacter pylori* инфекциясини ўрни келтирилган. Гастроуденал зона патологияси казуистик ҳисобланмасдан, бронхиал астмали беморларнинг 67,3%да аниқланган. ГДЗ зарарланишининг клиник симптомлари бронхиал астмани глюкокортикоид терапияси тартиби ва глюкокортикостероид воситаларини кунлик миқдори билан аниқ корреляция қилинган. Гастроэнтерологик белгиларнинг аниқлашни баҳолашда (эпигастрал ва/ёки кўкрак зонасидаги оғриқлар, кекириш, жиғилдон қайнаши, ўқчиш ва кўнгил айланиши, томоқда бўғилишни сезиш) бронхиал астмали беморларда дори воситалари ёрдамида даволашга ёндашишга боғлиқ бўлиб, БА билан ҳасталанган тГКС қабул қилган 10 нафар беморлардан 7 нафарида эпигастрал ва/ёки кўкрак соҳасидаги оғриқлар аниқланди, иГКС қабул қилган 10 нафар беморлардан 5 нафарида, тГКС ҳамда иГКС билан комбинациялашган даволашда 10 нафардан 8 нафарида ва бронхолитик дори воситаларини қабул қилган 10 нафардан фақат 2 нафарида (аминофиллин ва ҚТБА) аниқланди (1-расм).

Терапияга ёндашишга биноан кекириш ва жиғилдон қайнаши аналогик учраш сони қайт қилинган. Томоғида бўғилишни сезиш тГКС билан даволанган 10 нафар беморнинг 5 нафарида, иГКС билан даволанганларнинг 10 нафаридан 6 нафарида, тГКС ва иГКС билан комбинацияланган даволанишда беморларнинг 10 нафаридан 7 нафарида аниқланган.



1-расм. Бронхиал астмали беморларда ГДЗ зарарланишининг даволаш йўналишига қараб клиник симптомларини учраш сони

БАли беморларда ГДЗ зарарланишининг юқори кўрсаткичи қизилўнгачдаги нуқсонлар бўлиб, 65 нафар (43,3%) беморларда аниқланган, ошқозондаги нуқсонлар - 38 нафар (25,3%) беморларда ва 12 бармоқ ичак нуқсони 3 нафар (2,0%) беморларда аниқланди, бу асосан даво тизимида ёндошишга боғлиқ, глюкокортикостероидларнинг миқдори ва қабул қилиш давомийлиги, гастродуоденал зона патологиясининг ривожланиш механизмида етакчи ўринга эгалигини кўрсатади (2-расм).



2-расм. Бронхиал астмани дори воситалари билан даволашга ҳар хил ёндашишда ГДЗни зарарланиш даражаси

тГКСни кунлик қабул қилиш миқдорини ошиши (10 мг гача ва 10 мг дан ортиқ) гастродуоденал зона зарарланишининг солиштирма оғирлигини 2,5 мартага оширганлиги (18,7% дан 45,3% гача,  $p<0,05$ ), тГКСни узоқ муддатда қабул қилиш (5 йилдан 10 йилгача ва ундан кўп) 3,6 мартага (10,7% дан 38,7% гача,  $p<0,05$ ) оширганлиги аниқланди. иГКСни кунлик миқдорини ошириш (750 мкг ва 1000 мкг дан ортиқ) ГДЗ патологияси солиштирма оғирлигини 4,9 мартага (8,8% дан 43,3% гача,  $p<0,05$ ), иГКСни узоқ муддатда қабул қилиш (5 йилдан 10 йилгача ва ундан ортиқ) 20 мартага (2,2% дан 44,4% гача,  $p<0,05$ ) оширган.

Бронхиал астма билан хасталанган беморларда гастродуоденал зона патологиясининг ривожланишида хулқ-атвор омиллари - чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, совуқ салқин ичимликлар ва ингалятордан нотўғри фойдаланиш, қулай шароит яратади. ГДЗ зарарланишининг шаклланишида омилларни «ваззли аҳамияти»ни ва энг аҳамиятли бўлган мезонларни аниқлаш ташхислаш алгоритмини яратиш ва БАли беморлар орасида юқори ва максимал хавф бор шахсларни ажратиб олишга, ГДЗ зарарланиш даражаси ва ҳарактерини верификациялаш учун доимий кузатиш зарурлигини тақозо қилади.

ГДЗ патологияси шаклланиши хавф омилларини баҳолашни ишончли усулини қўллаб анамнестик/хулқ-атвор, клиник омиллар ва базис даволаш маълумотларини ГДЗ патологиясини ривожланишини башоратлашдаги аҳамияти ишлаб чиқилди.

Бронхиал астмали беморларда ГДЗ зарарланиши шаклланишини юқори таҳликасини таъминловчи юқори прогностик аҳамиятли предикторлар: аёллар (хавф ошиши 1,8 марта), чекиш (4,5 марта), спиртли ичимликлар (3,0 марта) ва жуда совуқ ичимликларни ичиш (8,7 марта), ингалятордан нотўғри фойдаланиш (3,6 марта), ТВИ 30 дан ошса (3,5 марта), тГКСни 10 мг/кун дан ортиқ қабул қилиш (7,4 марта) ва 5 йилдан ортиқ муддатда тГКС қабул қилиш (2,5 марта), иГКСни 1000 мкг/кун дан ортиқ қабул қилиш (3,5 марта) ва 10 йилдан ортиқ истеъмол қилиш (4,8 марта), ГДПнинг ривожланишига юқори хавф 32,3% беморларда (индивидуал диапазон -0,89 дан +3,72 гача), максимал хавф 8,8% беморларда (индивидуал диапазон +3,78 дан +8,33 гача) замин яратади. Олинган натижалар БА ли беморларда ГДП ривожланиш хавфини башорат-лашни ҳисобга олган ҳолда ГДЗ зарарланиши ташхислаш алгоритми ва уларни олиб бориш менежментини ишлаб чиқишга имкон берди.

Гастродуоденал зона патологияси шаклланишининг хавфини комплекс баҳолашда ҳар бир бронхиал астма билан хасталанган беморларни алоҳида хавф индексини ҳисоблашга дифференциал ёндашиш, кейинчалик кўшимча текширувлар, профилактик чора-тадбирлар, ёрдамчи даволаш тизимини амалга оширишга ёрдам беради.

Бронхиал астмали беморларнинг эзофагогастродуоденофиброскопик текшириш натижаларида биринчи бор гастродуоденал зона патологияси 67,3% беморларда аниқланиб, улардан ГДЗнинг эрозив яра зарарланиши 21,3%да, катарал шакл зарарланиши 46% ҳолатда аниқланди. Эндоскопик кўрик давомида БАли беморларнинг 43,3% га рефлюкс-эзофагит ташхиси қўйилиб, улардан 86,1% беморларда рефлюкс-эзофагитнинг катарал шакли ва 13,8%

беморларда эрозив шакли аниқланди. Респиратор даволашнинг хусусиятларида рефлюкс-эзофагитнинг учраш сони аниқланиб, иГКС даво тартибида беморларда рефлюкс-эзофагитнинг катарал ва эрозив шакллари кўп учраши қайд қилинди (46,7% ва 6,7%), шунингдек, уларни тГКС билан комбинациясида (44,4% ва 13,3%) аниқланди. Эндоскопик визуализация натижалари даво тартиби ГДС шиллиқ қаватининг зарарланиш характерига тўғридан тўғри боғлиқлигини кўрсатди.

Турли шаклда такдим этилган стероид терапияни қабул қилмаган беморлар гуруҳида 12 бармоқли ичак ва ошқозоннинг зарарланиши аниқланмади.

Бронхиал астмали беморларда ЭГДЗ зарарланишини шаклланишида *H.pylori*ни ўрни ўрганилиб, текширув натижалари *H.pylori* билан инфицирланганлик 74% лиги аниқланди ва бронхиал астмали беморларнинг ГДЗ зарарланишида *H.pylori*нинг ассоциация даражаси юқорлиги кузатилди. Ошқозон шиллиқ қаватининг *H.pylori* билан узоқ муддат инфицирланиши эпителийнинг зарарланишига, уни пролиферацияси ва миграциясига, пролиферация жараёнларининг эпителий дифференцировкаси жараёндан устун келишига олиб келади.

Бронхиал астма билан хасталанган беморларни тГКС ва иГКС билан биргаликда даволаш тартибида шиллиқ қават нейтрофил гранулоцитларининг дегрануляцияси ва эпителийнинг пролиферация жараёнларини дифференциациясини юзага келиши, шунингдек, шиллиқ қаватнинг морфогенезининг чуқур ўзгаришига олиб келади.

Диссертациянинг **«Бронхиал астма билан хасталанган беморларда эзофагогастроуденал зона зарарланишининг клиник кечиши ва клиник-функционал белгиларининг хусусиятлари»** деб номланган тўртинчи бобида бронхиал астмали беморларда эзофагогастроуденал зона зарарланиши ривожланганда клиник функционал кўрсаткичларни назорат қилишни ва касаллик кечишини ўзига хослигини баҳолаш келтирилган ва бронхиал астмали беморларни самарасиз даволашни башоратлашнинг клиник анамнестик параллеллари маълумотлари баён қилинган. БАнинг клиник кечиши хусусиятларини ГДЗ зарарланишининг клиник эндоскопик намоёни бор беморларда ўрганиш касаллик кечиши хусусиятларини ўзгарганлигини кўрсатди яъни «йўтал хуружи» эпизодларини ошишини (2 марта ўрнига кунига 6 марта), кундузги бўғилиш хуружларини (3 марта ўрнига 5 марта) ва тунги хуружлар сонини ошишини (3 марта ўрнига 6 марта), уларнинг интенсивлик даражасининг ошишини (2 балл ўрнига 3 балл), функционал ўзгаришлар даражасининг кучайиши (ОФВ1 67,3% ўрнига 49,8%), паст бронходилатацион жавоб (14,9% ўрнига 10,1%) ва бронхларнинг кунлик вариабеллик даражаси пастлиги (34,9% ўрнига 21,5%) аниқланган.

Ушбу гуруҳдаги беморларнинг клиник кечишини назорат қилолмаслик қисқа таъсирдаги в<sub>2</sub>-агонистларни кўп миқдорда қабул қилишга (741,4 мкг/кун ўрнига 1227,2 мкг/кун) ва уларни кўп вақт қабул қилишга (8 ўрнига 13 марта), хуружлар сонини камайтириш учун тГКС юқори миқдорда қабул қилишга (40 мг ўрнига 60 мг) шароит яратган. Касалликнинг кечиши зўриқишлар сонининг юқорилиги билан фарқланиб, тГКСни ортиқча қабул қилишни, «шошилиш»

ёрдам кўрсатиш зарурлигини ва касалхонада ёрдам кўрсатишни тақозо қилади (1-жадвал).

1—жадвал

Бронхиал астмада эзофагогастроудоденал зона зарарланишида касалликнинг кечиш хусусиятлари ( $M \pm m$ )

Кўрсаткичлар	БАда ЭГДЗнинг зарарланмаслиги, n=49	БАда ЭГДЗнинг зарарланиши, n=101	p
тГКС билан даволанганда охирги 12 ой давомидаги хуружлар сони, марта	1,6±0,1	4,3±0,2	< 0,01
«шошилиш» ёрдамга эҳтиёж, марта	1,4±0,02	3,6±0,07	< 0,01
Охирги 12 ой давомида хуружлар сонига қараб шифохонага ётқизиш эҳтиёжи, марта	1,2±0,04	3,32±0,09	< 0,01

Изох: р–бронхиал астманинг ЭГДЗ зарарланмаслиги ва бронхиал астманинг ЭГДЗ зарарланиши билан кечган босқичидаги кўрсаткичларининг ишончли фарқи

АТН нинг валидизирланган саволномаси натижалари бронхиал астмали беморларда ГДЗни эндоскопик верификацияланган зарарланиши бўлганда касалликнинг назоратсиз кечиш сонининг юқорилигини тасдиқлади, улардан 77,2% ҳолатларда тест синамалари 20 баллдан паст кўрсаткични ва фақат 22,8% беморларда касалликни яхши назорат остига олинганлигини кўрсатди.

БАни самарасиз даволашни амалга оширилиши хавф даражасини аниқлашнинг ишончли усулидан фойдаланилиб, бунда анамнестик ва ҳулқ атвор белгилари, клиник ва функционал белгилар, ГДЗ патологиясининг хавф омиллари, ГДЗ эндоскопик статуси ва даволаш катамнези ишланган ва предикторларнинг башоратлаш жадвали ва БАнинг минимал ва максимал хавфини башоратлаш диапазонлари аниқланган, натижалар –8,75 дан+10,9 гача.

Предикторлар частотасини ва уларни «ахамиятлик» даражаси тахлили бронхиал астма билан хасталанган беморларни даволаш самарасизлигини юқори даражада башоратлаш мумкинлигини кўрсатди, айниқса 30 ёшдан юқориларда (2,5 марта), баҳор-кузда қайтланишида (2,4 марта), ҳулқ атвор омиллари бўлганда – кечқурун ортиқча овқатланишда (6,4 марта), ўта совуқ салқин ичимликларнинг ичганда (5,8 марта), меъёрлаштирилган ингалятордан фойдаланиш техникаси бузилганда (3,9 марта), астманинг кечки белгиларининг кундузгига нисбатан ўсиши кузатилганда (4,0 марта), ГДЗ зарарланишининг 6 та асосий белгиларидан 2 ва ундан ортиғининг учраши аниқланса (4,5 марта), охирги 12 ойда астма хуружининг 2 мартадан ортиқ учраши кузатилганда (4,5 марта), астмани назорат қилиш учун тГКС даво курси 120 мгдан оширилса (2,2 марта), функционал параметрларнинг назоратини йўқлиги: ҚТБАда ОФВ<sub>1</sub> кўрсаткичининг дилатацион ўсиши 12%дан камлиги (4,8 марта), бронхларнинг кунлик вариабеллик кўрсаткичини 20%дан баландлиги (3,0 марта) аниқланди.

БАни даволаш самарадорлигини башоратлашни муҳим кўрсаткичи бўлиб, ГДЗ зарарланишини даражаси ҳисобланади: рефлюкс-эзофагитлар



аниқланганда БАни даволаш самарасизлиги 5,3 мартага ошган, эрозияли-ярали зараланишида – 13,7 мартага ошган ва уларнинг даволаш тизимига «кузатув» даволаш тартибини киритиш тақозо қилинади.


Диссертациянинг «**Астмани клиник назорат қилиш мақсадида гастродуоденал зона зарарланишини даволашга ёндошишнинг оптимизацияси**» деб номланган бешинчи бобида гастродуоденал зона зарарланишини даволаш самарадорлигининг клиник фармакологик паралеллари, бронхиал астмани клиник назорат қилишга эришиш маълумотлари келтирилган.

Бронхиал астмали беморларда касалликни ривожланишини пасайтиришга, комплекс даволаш ва бошқаришга қаратилган БАни «кузатув» даволашни башоратлаш стратегияси келтирилган (1-схема).

